

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Ҳ У К М И

2025 йил ноябрь ойининг 26 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Ф.Собиров,

ҳайъат судьялари: М.Туланов ва Ш.Назировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Хасановнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Нурова, ҳимоячилар Ф.Бурханов, С.Расулов, Ш.Расулов, судланган А.Абдурахмонов, Х.Тожибоев, М.Олимовларнинг иштирокида, А.Абдурахманов ва бошқаларга оид жиноят ишлари уларнинг ҳимоячилари билан биргаликдаги апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2025 йил 26 июндаги ҳукмига кўра:

Абдурахманов Авазбек Одилжанович, 1985 йил 21 июнь куни Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ қидирув, суриштирув бўлинмаси инспектори, (ишга алоқадор вақтда Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ 2-туманлараро РЎ ва ИОБ бошлиғи), Андижон шаҳар, Уйғуробод МФЙ, Уртак кўчаси, 31-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45,57-моддалари қўлланилиб, 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ва ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида 17.000.000 жарима, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари 13.600.000 сўм жарима, ЖКнинг 59-моддасига асосан 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ва ички ишлар идораларида ишлаш



ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 55 баравари 18.700.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Мазкур ҳукм билан А.Умаров, Р.Ибрагимов, И.Хабибуллаев, К.Абдурахмонов, М.Жураев ва С.Махмудовлар ҳам судланган бўлиб, уларга оид қисми бўйича шикоят ёки протест келиб тушмагани сабабли уларга оид қисми муҳокама қилинмади.

Судланган М.Олимов ва Х.Тожибоевларга оид қисми шу кунги Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ажрими билан муҳокама қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Абдурахманов 2023 йилнинг февраль ойидан 2024 йилнинг август ойига қадарли Андижон вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ 2-туманлароаро рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлими бошлиғи-давлат иштирокидаги ташкилотнинг мансабдор шахси лавозимида ишлаб келиб, жинойий ҳаракатларини давом эттириб, Ш.Назаров билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги “Автомобилтранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 408-сонли қарорининг 3-боб 37-бандида автомобилтранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш учун, маҳрум қилиш муддатидан қатъий назар, маъмурий жазо муддати ниҳоясига етгач, мажбурий тиббий кўриқдан ўтишлари, назарий ҳамда амалий имтиҳонлар топширгунгача малака оширишлари шартлиги, мазкур Қарорнинг 5-боб 69-бандида йўқолган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси (эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки унинг талони)нинг дубликати транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчилик гувоҳномалари маълумотлар базасидан текширилганидан сўнггина имтиҳонларсиз берилиши лозим”-деб кўрсатилган талабларга риоя қилмасдан, Ш.Назаровнинг жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 2022 йил 11 майдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 131-моддасининг 1-қисми билан 1 йил 6 ой муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини билгани ҳолда, уни юқоридаги қарор талаблари асосида қайта назарий ва амалий имтиҳонлар топшириш учун йўналтириш ўрнига, гўёки Ш.Назаровнинг 2024 йил 31 январда ҳайдовчилик гувоҳномасини йўқотилганлиги ҳақидаги сохталаштириш йўли билан тайёрлаб тақдим қилган аризасига асосан қўл остида ишлаган М.Олимовга бириктирилган логин пароли орқали “Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими” электрон базасидан уни ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар рўйхатидан ечиш амалиётини бажариб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар рўйхатида йўқ қилиб кўрсатиб, М.Олимовга бириктирилган логин-пароль орқали “Йўқотилган” асоси билан ахборот тизими ёрдамида Ш.Назаровга АГ 1938312 серия ва рақамли сохта ҳайдовчилик гувоҳномасини сохталаштириш йўли билан тайёрлаб тақдим қилиб, А.Абдурахманов мансаб ваколатини



суиистеъмол қилиш ва мансаб сохтакорлиги, Ш.Назаров эса мансаб сохтакорлиги жиноятини содир этишга иштирокчилик қилганликда;

шунингдек, А.Абдурахманов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан И.Хабибуллаев билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, И.Хабибуллаевнинг жиноят ишлари бўйича Булокбоши туман судининг 2020 йил 10 декабрдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 131-моддасининг 1-қисми билан 1 йил 6 ой муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини била туриб, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги “Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 408-сонли қарори талаблари талаблари асосида қайта назарий ва амалий имтиҳонлар топшириш учун йўналтириш ўрнига, гўёки И.Хабибуллаевнинг 2023 йил 28 июлдаги ҳайдовчилик гувоҳномасини йўқотилганлиги ҳақида сохталаштириш йўли билан тайёрлаб тақдим қилган аризасига асосан 2024 йил 27 февраль куни М.Олимовнинг логин пароли орқали “Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими” электрон базасидан уни ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар рўйхатидан ечиш амалиётини бажариб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар рўйхатида йўқ қилиб кўрсатиб, сўнг ушбу логин-пароли орқали “Йўқотилган” асоси билан ахборот тизими ёрдамида И.Хабибуллаевга АГ 1983168 серия ва рақамли сохта ҳайдовчилик гувоҳномасини такроран сохталаштириш йўли билан тайёрлаб тақдим қилиб, А.Абдурахманов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансаб сохтакорлиги, И.Хабибуллаев эса мансаб сохтакорлиги жиноятини содир этишга иштирокчилик қилганликда;

шунингдек, А.Абдурахманов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан С.Махмудов билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, С.Махмудовнинг жиноят ишлари бўйича Жалакудук туман судининг 2021 йил 19 ноябрдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 131-моддасининг 1-қисми билан 1 йил 6 ой муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини билгани ҳолда, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги “Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 408-сонли қарори талаблари асосида қайта назарий ва амалий имтиҳонлар топшириш учун йўналтириш ўрнига, гўёки С.Махмудовнинг 2024 йил 9 февралдаги ҳайдовчилик гувоҳномасини йўқотилганлиги ҳақида сохталаштириш йўли билан тайёрлаб тақдим қилган аризасига асосан шу кунни ўзида М.Олимовнинг логин пароли орқали “Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими” электрон базасидан уни ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар рўйхатидан ечиш



амалиётини бажариб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар рўйхатида йўқ қилиб кўрсатиб, сўнг ушбу логин-пароли орқали “Йўқотилган” асоси билан ахборот тизими ёрдамида С.Махмудовга АГ 19544400 серия ва рақамли сохта ҳайдовчилик гувоҳномасини такроран сохталаштириш йўли билан тайёрлаб тақдим қилиб, А.Абдурахманов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва мансаб сохтакорлиги, С.Махмудов эса мансаб сохтакорлиги жиноятини содир этишга иштирокчилик қилганликда айбли деб топилганлар.

Судланган А.Абдурахмонов ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция тартибидаги шикоятда, ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўрашган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси Ф.Собировнинг маърузасини, прокурор Ш.Нурованинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи С.Расулов, Ф.Бурхонов ва Ш.Расуловлар ҳамда судланганларнинг апелляция тартибидаги шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини А.Абдурахмоновга оид қисмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги кўрсатилган.

Бу ўринда, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги;

8-бандида, судлар оқлов ҳукмини чиқаришга олиб келувчи, жиноий ҳодисанинг ёки жиноят таркибининг бўлмаслиги, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор эмаслиги тўғрисидаги асослар рўйхати ЖПКнинг 464-моддасида тўлиқ кўрсатилганлигини эътиборга олишлари лозимлиги, оқлов ҳукми чиқарилаётганда, унинг тавсиф қисмида ЖПКнинг 469-моддасига биноан судланувчига қўйилган айбловнинг моҳияти; суд аниқлаган иш ҳолатлари, судланувчининг айбсизлиги тўғрисидаги суд хулосасини тасдиқловчи далиллар; судланувчининг жиноят содир этишда айби бор деб даъво қилишга асос бўлган далилларни суд нима учун ишонарли эмас ёки етарли эмас деб ҳисоблаши ёки нима учун суд жиноий ҳодисанинг ўзи юз бермаган ёхуд судланувчи содир этган қилмишни жиноят эмас деб ҳисоблаши, фуқаровий даъвога оид қарорнинг асослари баён қилиниши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддасида, Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни давлат органи, давлат



иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса жавобгарлик келиб чиқиши;

ЖКнинг 209-моддасида, Мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса жавобгарлик келиб чиқиши белгиланган.

Дастлабки тергов органи ишни тергов қилиш ҳамда биринчи инстанция суди ишни кўришда, муҳокама қилинаётган иш юзасидан А.Абдурахмоновнинг қилмиш ҳаракатлари натижасида жиноий ҳодиса юз берган-бермаганлигини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширмасдан, судланувчининг ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқлаш чораларини кўрмагани натижасида, ЖПКнинг 82-моддасида назарда тутилган ҳукм қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган содир этилган жиноятнинг тўлиқ доираси, тафсилотлари, усули, жиноятнинг сабаб ва мақсадлари аниқланмаган, бундан ташқари ҳукмда суднинг судланувчига нисбатан ҳулосасига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёритилмаган ҳамда судланувчининг кўрсатувлари, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланмаган.

Судланган А.Абдурахмонов апелляция инстанцияси судида, 2010 йилдан 2023 йилнинг февраль ойига қадарли Андижон вилоят ИИБ тизимининг турли лавозимларида ишлагани, 2023 йилнинг февраль ойидан 2024 йилнинг август ойига қадарли Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ 2-туманлараро РЎ ва ИОБ бошлиғи лавозимида ишлагани, 2024 йилнинг август ойидан Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ қидирув, суриштирув бўлинмаси инспектори лавозимида ишлаб келаётганини, унинг Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ 2-туманлараро РЎ ва ИОБ бошлиғи лавозимида хизмат вазифаларига Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ 2-туманлараро РЎ ва ИОБга келган фуқароларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, мурожаатлар асосида уларга тегишли бўлган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш, кўриб чиқиш, маҳрум қилинганлиги ёки йўқлигини текшириш, автотранспорт воситаларига давлат рақам белгиларини бериш, тақиққа олиш ва чиқариш, автототранспорт воситаларини қайд этиш гувоҳномаларини бериш, суд қарорларига асосан ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари маҳрум қилинганлигини қайд этиш, уларни қайта малака имтиҳонларини топширганларидан сўнг уларга гувоҳномалар бериш, ҳайдовчилик гувоҳномалари йўқолганлигини билдириб келган фуқароларни



хужжатларини ўрганган ҳолда уларга ҳайдовчилик гувоҳномалари дубликатларини бериш ёки уларни малака имтиҳонлари топширишга йўналтириш ва бошқалар киргани, фуқаро А.Хасанов, Қ.Абдурахмонов, М.Жураев, Ш.Назаров, И.Хабибуллаев, С.Махмудов ҳақида қуйидагиларни маълум қилишини, А.Хасанов 2024 йил 30 март куни Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ҳузуридаги 2-ТРЎваИОБга “ҳайдовчилик гувоҳномаси” йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилгани, унинг мурожаатига асосан 2024 йил 30 март куни АГ 2030701-серия рақамли “ҳайдовчилик гувоҳномаси” расмийлаштириб берилгани, Қ.Абдурахмонов 2023 йил 21 декабрда Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ҳузуридаги 2-ТРУваИОБга “ҳайдовчилик гувоҳномаси” йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилгани ва унга шу куни О`zR 4463409 серия рақамли “Вақтинчалик рухсатнома” расмийлаштирилгани, 2024 йил 26 январь куни АГ 1926835 серия рақамли “ҳайдовчилик гувоҳномаси” расмийлаштириб берилгани, М.Жураев 2024 йил 7 май куни Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ҳузуридаги 2-ТРУваИОБга “ҳайдовчилик гувоҳномаси” йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилгани, 2024 йил 7 май куни М.Жураевга АГ 2085186 серия рақамли “ҳайдовчилик гувоҳномаси” расмийлаштириб берилгани, Ш.Назаров 2024 йил 31 январь куни Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ 2-ТРУваИОБга “ҳайдовчилик гувоҳномаси” йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилгани, шу куни, Ш.Назаровга АГ 1938312 серия рақамли “ҳайдовчилик гувоҳномаси” расмийлаштириб берилгани, И.Хабибуллаев 2023 йил 28 июль куни Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ҳузуридаги 2-ТРЎваИОБга “ҳайдовчилик гувоҳномаси” йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилгани ва унга О`zR 4459314 серия рақамли “вақтинчалик рухсатнома” расмийлаштирилгани, 2024 йил 27 февраль куни И.Хабибуллаевга АГ 1983168 серия рақамли “ҳайдовчилик гувоҳномаси” расмийлаштириб берилгани, С.Махмудов 2024 йил 9 февраль куни Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ҳузуридаги 2-ТРЎваИОБга “ҳайдовчилик гувоҳномаси” йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилгани, шу куни С.Махмудовга АГ 1954400 серия рақамли “ҳайдовчилик гувоҳномаси” ва DL 7055436 серия рақамли “огоҳлантириш талони” расмийлаштириб берилгани, ҳақиқатдан ҳам юқоридаги фуқароларга “ҳайдовчилик гувоҳнома”лари Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ 2-ТРЎ ва ИОБ катта инспектори бўлган М.Олимовнинг номида бўлган “Е-калит” орқали берилгани, одатда, ҳайдовчилик гувоҳномалари йўқолганлиги важи билан келган фуқароларни, туман бўлимлари томонидан маълумотнома олиб келиши, уларнинг аризаси, шахсига оид хужжати, охирги 12 ой муддат давомида автотранспорт воситаси бошқарган-бошқармаганлигини тасдиқловчи хужжати, 083 тиббий кўрик маълумотномаларини илова қилган ҳолда, мурожаатини кўриб чиқилишини, мурожаатни кўриб чиқиш давомида, уларга 1 ой муддатга дастлаб вақтинчалик ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талонлари топширилиб, уларнинг аризалари ва унга илова қилинган хужжатлари асосида мурожаатларини кўриб чиқиш давомида, уларга муқаддам улар таълим олганлиги ва малака имтиҳонларини топширган ўқув муассасасидан имтиҳон



варақаларини олиб келишлари маълум қилиниши, олинган имтиҳон варақаларидан сўнг, уларнинг муқаддам ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги ёки йўқлиги Андижон вилояти ИИБ ЙҚХБ хузуридаги 2-ТРЎ ва ИОБда мавжуд бўлган ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлари ягона автоматлаштирилган электрон тизим орқали ҳам текширилиши, аммо бу электрон база бошқа идоралар билан интеграция қилинмагани, А.Хасанов, М.Жураев, Ш.Назаров, Н.Хабибуллаев, С.Махмудовларни танимаслиги, улар билан гаплашмагани, моддий манфаатдор бўлмагани, ўзининг электрон калити йўқлиги, М.Олимов “Е-калитдан” фойдаланган ҳолда фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномалари берилгани, паспортист вазифасида ишловчи ходим томонидан гувоҳномалар берилгани, фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш ишлари билан асосан у шуғулланиб келгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2018 йилдаги 4-сонли Қарор ва унинг асосида қабул қилинган Низомларда белгилангани, юқоридагиларга кўра, шикоятини қаноатлантириб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраши ҳақида;

шу иш бўйича судланган М.Олимов апелляция инстанцияси судида, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2010 йилнинг ноябрь ойида ИИО тизимига ишга қабул қилингани, 2021 йилнинг сентябрь ойидан 2024 йилнинг август ойига қадарли Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ РЎ ва ИОБ катта инспектори лавозимида ишлагани, 2024 йилнинг август ойидан шу кунга қадарли Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ Андижон шаҳар ИИО ФМБ МАБ инспектори лавозимида ишлаб келаётгани, унинг Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ РЎ ва ИОБ катта инспектори лавозимида хизмат вазифаларига Андижон вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ РЎ ва ИОБга келган фуқароларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, мурожаатлар асосида уларга тегишли бўлган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш, кўриб чиқиш, маҳрум қилинган ёки йўқлигини текшириш, автотранспорт воситаларига давлат рақам белгиларини бериш, тақиққа олиш ва чиқариш, автомототранспорт воситаларини қайд этиш гувоҳномаларини бериш, суд қарорларига асосан ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари маҳрум қилинганлигини қайд этиш, уларни қайта малака имтиҳонларини топширганларидан сўнг уларга гувоҳномалар бериш, ҳайдовчилик гувоҳномалари йўқолганлигини билдириб келган фуқароларни ҳужжатларини ўрганган ҳолда уларга ҳайдовчилик гувоҳномалари дубликатларини бериш ёки уларни малака имтиҳонлари топширишга йўналтириш ва бошқалар киргани, ҳақиқатдан ҳам дастлабки терго ва биринчи инстанция судида аниқланган фуқароларга “ҳайдовчилик гувоҳнома”лари унинг номида бўлган “Е-калит” орқали берилган бўлиб, бироқ ушбу фуқаролардан Қ.Абдурахмонов ва М.Жураевга у ҳайдовчилик гувоҳномалари расмийлаштириб бергани, лекин қолган фуқароларга ҳайдовчилик гувоҳномалари расмийлаштириб бермагани, А.Хасанов, Ш.Назаров, И.Хабибуллаев, С.Махмудовларни ҳеч бирини кўрмагани, танимаслиги ва уларни қабул қилмагани, одатда, ҳайдовчилик



гувоҳномалари йўқолганлиги важи билан келган фуқароларни дастлаб, уларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари автоматлаштирилган тизим маълумотлар базасида маҳрум қилинганлар рўйхатида бор ёки йўқлиги ҳақида туман бўлимларидан маълумотнома олиб келиши, уларнинг маълумотлари маҳрум қилинганлар рўйхатида бўлмаса, уларнинг аризаси, шахсига оид ҳужжати, охириги 12 ой муддат давомида автотранспорт воситаси бошқарганлигини тасдиқловчи ҳужжати, 083 тиббий кўрик маълумотномаларини илова қилган ҳолда, мурожаатини кўриб чиқишларини, мурожаатни кўриб чиқиш давомида, уларга 1 ой муддатга дастлаб вақтинчалик ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талонлари топширилиб, уларнинг аризалари ва унга илова қилинган ҳужжатлари асосида мурожаатларини кўриб чиқиш давомида, уларга муқаддам улар таълим олганлиги ва малака имтиҳонларини топширган ўқув муассасасидан имтиҳон варақаларини олиб келишлари маълум қилинишини, олинган имтиҳон варақаларидан сўнг, уларнинг муқаддам ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги ёки йўқлиги Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ ҳузуридаги 2-ТРЎваИОБда мавжуд бўлган ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлари текширилиб, шундан сўнг, ҳайдовчилик гувоҳномалари йўқолганлигини билдириб келган фуқароларнинг муқаддам ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги компьютер базаси, яъни ягона автоматлаштирилган электрон тизим орқали ҳам текширилиши, бироқ ўша вақтларда электрон база бошқа идоралар билан интеграция қилинмагани, уларга янги шаклдаги ҳайдовчилик гувоҳномалари берилиши тартиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2018 йилдаги 4-сонли Қарор ва унинг асосида қабул қилинган Низомларда белгилангани, юқоридаги шахслар ёки раҳбар ва ҳамкасблари билан ҳайдовчилик гувоҳномаси берилишида гаплашмагани, барча гувоҳномаларни паспортист вазифасида ишловчи ходим томонидан берилгани, моддий манфаатдор бўлмагани ҳақида кўрсатув берди.

Биринчи инстанция суди томонидан А.Абдурахмоновнинг жиноятни содир этганликдаги айби иш ҳужжатлари, жумладан шу иш бўйича судланган М.Олимов билан уни ўртасида дастлабки тергов даврида ўтказилган юзлаштириш баённомасини (2-жилд, и.в. 256-262 бетлар) далил сифатида баҳолаб, уни айбли деб топган бўлса-да, апелляция инстанцияси даврида қайта текширилган ва суд процессида юзлаштирилган кўрсатувларига асосан, дастлабки терговдаги юзлаштириш баённомасини ва суд ҳукмида далил сифатида баҳоланган ушбу далилни номақбул далил деб эътироф этишни, иш ҳолатлари суд ҳукмидаги ҳақиқий ҳолатларга мос келмаслиги сабабли, мақбул далил сифатидан чиқаришни лозим топди.

Иш ҳужжатлари ва судда қайта текширилган далилларга кўра, тергов органи томонидан судланган А.Абдурахмоновни айбини тасдиқловчи далиллар тўлагича исботланиб берилмаган, яъни унга логин ва пароль ҳамда “Е-калит” электрон имзо калити бириктирилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2018 йилдаги 4-сонли Қарор ва унинг асосида қабул қилинган Низомларда белгиланган тартибда ваколат доирасига кирмаслиги, унга нисбатан тўғридан-тўғри жиноят содир



этганлиги ҳақида гувоҳ ва судланганларни кўрсатувлари иш ҳужжатларида мавжуд эмаслиги ҳақида номақбул далилларни фактик далиллар сифатида баҳолаб, жиддий хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95¹-моддаси 6-бандида, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилиши;

ЖПК 485-моддаси 1-қисмининг 2-бандида, ҳукмда, ажримда баён қилинган суд ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги апелляция, кассация ва тафтиш тартибида ҳукмни, ажримни бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўлиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 2-банди, иккинчи хатбошисида, далиллар мақбулликнинг шартлари қуйидагилар, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши; фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши; далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши; далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги, далиллар мақбулликка тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг мақбул эмас деб топилишига асос бўлиши;

Қарорнинг 11-бандида, ЖПК 26-моддасига мувофиқ жиноят ишини биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқаётган суд далилларни бевосита текшириши: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши, фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши шартлиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди, суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчилар ва гувоҳларни кўрсатувларидан келиб чиқиб, А.Абдурахмоновни жиноят содир этганлиги бўйича тўғридан-тўғри кўрсатувлари йўқлиги, ҳаракатларида жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини, тергов органи томонидан йўл қўйилган камчиликларни ками кўстини тўлдирилган ёки тўлдирилмагани, далилларга баҳо беришда қонун талабларига риоя этилганини текширмасдан туриб, унга нисбатан айблов ҳукми чиқариб, барвақт тўхтама келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 112-моддасида гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкинлиги, гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган



тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозимлиги, 455-моддасида суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши кўрсатилган.

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатларнинг барчаси, дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаганлиги, дастлабки тергов, биринчи инстанцияси суди томонидан ЖПКнинг 22-моддаси талаблари бажарилмасдан, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқилмасдан, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан, иш бўйича юзаки ва бир томонлама тергов ҳаракатлари олиб борилиб, ЖПК талаблари жиддий бузилганлигини ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, шунингдек қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши юзасидан раҳбарий тушунтириш берилган.

Қарорининг 9-бандида, қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли (ЖПК 83-модда 2-банди) оқлов ҳукми чиқарилиши, агар ижтимоий қилмиш факти ва оқибатининг келиб чиққанлиги аниқланган бўлиб, бироқ суд муҳокамасида тақдим қилинган ва текширилган далиллар билан унинг судланувчи томонидан содир этилганлиги инкор этилса ёки ўз тасдиғини



топмаса, суд шахсининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариши (ЖПК 83-модда 3-банди) ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридагиларга кўра, А.Абдурахмоновнинг қилмишида ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 209-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд этиб ўтилган Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми тушунтиришларига катъий риоя қилган ҳолда, апелляция инстанцияси судида тўпланган далиллар билан тасдиғини топмагани, А.Абдурахмоновни айблаш учун етарли эмаслиги, ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлигини, уни жиноят содир этганлигини исботловчи гувоҳ ёки шохидларни кўрсатувлар йўқлигини инобатга олиб, суд ҳукмини судланган А.Абдурахмоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбсиз деб топиб, ЖПКнинг 83-моддасининг 2,3-бандларига асосан оқлов ҳукми чиқаришни, унинг етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини ЖПКнинг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқини эътироф этишни, А.Абдурахмоновнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятини эса қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83, 455-457, 460, 462, 464-465, 469-470, 497¹⁷-497¹⁸, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Абдурахманов Авазбек Одилжановичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2025 йил 26 июндаги ҳукми бекор қилинсин.

Абдурахманов Авазбек Одилжановичнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлмагани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖПК 83-моддасининг 2 ва 3-бандларига асосан оқлансин.

А.Абдурахмоновга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилиниб, Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” АТИБ Андижон вилоят филиалига топширилган 8.000.000 сўм гаров пуллари гаровга қўювчи А.Абдурахмоновга қайтарилсин.

А.Абдурахмоновнинг етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини ЖПКнинг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқи эътироф этилсин.

А.Абдурахмоновнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция тартибидаги шикояти қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

имзо

Ҳайъат судьялари

имзолар

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

вилоят судининг судьяси

Ф.Собиров



Ҳужжат имзоланган: Собиров Фурқат Одилжонович, 27.11.2025

